

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУХИМ ОМИЛ СИФАТИДА

Мусаева Н.С.

Тошкент Кимё халқаро университет, PhD доцент

Толибова Н. А.

магистрант

### Аннотация

Имконияти чекланган инсонлар учун инклюзив таълим уларни ҳаётга мослашув жараёнида катта имкониятдир. Мактабгача таълим муассасаларида инклюзив таълимни ташкиллаштириш ҳозирги замон талаби хисобланади.

### Аннотация

Инклюзивное образование для людей с ограниченными возможностями – это прекрасная возможность в процессе их адаптации к жизни. Организация инклюзивного образования в дошкольных образовательных учреждениях считается современным требованием.

### Annotation

Inclusive education for people with disabilities is a great opportunity in the process of their adaptation to life. The organization of inclusive education in preschool educational institutions is considered a modern requirement.

**Калит сўзлар:** инклюзив таълим, имконияти чекланган, мактабгача таълим муассасаси

**Ключевые слова:** инклюзивное образование, дети с ограниченными возможностями, дошкольное образовательное учреждение.

**Keywords:** inclusive education, limited access, preschool.

Хозирги кунда келажак авлодни таълим жараёнига катта эътибор берилмоқда. Президентимиз ёш авлодни қанчалик соғлом фикрлайдиган ва ўз фикрини эркин баён этадиган қилиб тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан эканлигини таъкидлаб келмоқда. Бунга хамоҳанг 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда нафақат соғлом болалар балки имконияти чекланган болалар ҳам ўсиб келмоқда. Албатта бу тоифадаги болаларни қўллаб-куватлаш давлатимиз олдида

турган улкан вазифалардан саналади. Шунга кўра Ўзбекистонда болаларнинг тенг хуқуқлигини таъминлаш ҳамда жамиятга эрта мослашувини амалга ошириш учун инклузив таълим жорий этиб келинмоқда.

Инклузив таълим бу имконияти чекланган болаларни ўз соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши, биргаликда ўсиши ва барча имкониятлардан тенг фойдалана олишини кўзда тутади. Инклузив таълимни самарали кечиши учун ушбу ишларни қанча эрта амалга оширилса шунча муваффақиятли кечади. Яъни мактабгача таълим муассасасида имконияти чекланган болаларни соғлом болалар орасига қўшиши орқали уларда дўстона алоқаларни шакллантириш мумкин. Мактабгача таълим муассасасида шароитлар имконияти чекланган болалар учун мос бўлиши лозим. Харакат таянч аъзоларида нуқсони бўлган болалар учун пандуслар, маҳсус стол ва стул, харакатланиш учун ушлагичлар бўлиши лозим. Тарбиячиларнинг маълумот олий бўлиши, ҳамда қўшимча равишда ногирон болалрнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниши, уларнинг имконият даражасини инобатга олган ҳолда педагогик, психологик, методик жиҳатдан ёндашуви талаб этилади, сабаби имконияти чекланган болалар учун професионал таълим зарур хисобланади. Шунингдек ҳам соғлом болалар сингари имконияти чекланган болалар бир хил таълим олиш хуқуқига эгадирлар.

Шу ўринда соғлом болаларнинг ота-оналарга тўғри тушунча бериш лозим. Бунинг учун ота-оналар билан сұхбат олиб бориш, ногиронлик юқумли эмаслиги, бундай тоифадаги болалар ҳаммани уйида ҳам туғилиши мумкинлиги, ёки ҳаёт давомида ҳам ногиронлик келиб чиқиши мумкинлигни тушунтириш керак. Ногирон бола соғлом тенгдошлари орасида яхши, ижобий тарафдан ривожланиши мумкинлиги, имконияти чекланган болаларда ҳам яширин қобилияtlар мавжудлиги ва бу қобилияtlар соғлом болаларнинг ривожланишига ҳам ёрдам бериши мумкинлигини мисоллар тариқасида сұхбат орқали айтиб ўтиш лозим. Соғлом болалар имконияти чекланган болалар билан қанча эрта бирга ўсишни бошлашса, уларда инсонийлик туйғулари эрта шаклланишни бошлайди. Ҳамда барча ота-оналар болаларини қўллаб қуватлашлари лозим бўлади.

Болаларнинг ҳаётга мослашуви ҳам жуда катта ахамиятга эга бўлиб, бунинг учун тарбиячилар болалар билан индивидуал равишда шуғулланишлари керак. Болалар ўзаро дўстона муносабатта бўлишлари учун шароит яратса олиш керак. Биргаликда қизиқарли ўйинлар, машғулотлар ўтказиш мақул, бу орқали болалларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантириш ҳам мумкин бўлади. Масалан арт терапиянинг изо терапия, эртак терапия, имоготерапия каби усусларидан машғулотлар давомида фойдаланиш мумкин.

“Инклузив таълим – ҳам соғлом, ҳам имконияти чекланган болаларга бирдек керак. Биз ҳар бир бола бағрикенг бўлишга ўргатиш билан бирга инсон қадриятлари унинг имкониятига боғлик эмаслиги ҳақидаги фикрни сингдиришимиз лозим деб

хисоблаймиз. Ёшлик чоғида боланинг руҳий ҳолати очик, эгилувчан ва ўзлаштиришга тайёр бўлади. Инсонлар орасида турли феъл ва қиёфага эга инсонлар мавжудлигига ўрганган болалар келажакда ўзларидан фарқ қилган болаларга зулм етказмайди. Жисмоний ривожланишида турли нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун МТМга қатнаш, мулоқот қилиш кўникмаларига эга бўлиш имкониятини яратиб бериб, уларнинг кейинги ижтимоий мослашувини осонлаштиради. Болаларнинг бир-бири билан учрашиши фақатгина ўйин майдони ёки ошхона билан чекланиб қолмайди. Инклузия тамойилини амалга ошириш мақсадида ҳар бир оддий гурухга уч нафар имконияти чекланган, масалан нутқида оғир нуқсонлар бўлган болалар қатнайдилар. Биз ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланадиган мактабгача таълим муассасалари сони кўпайишидан умид қилиб қоламиз”, - дейди мактабгача таълим вазири Агриппина Шин. Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки, имконияти чекланган болани қанчалик эрта жамоага қўшсак бу ижтимоий мослашув жараёнини осонлаштиради. Жамиятнинг ривожланишига, унда баҳтли ва келажакка умидлари ижобий бўлган ёш авлодни ўсишига ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шомахмудова Р.С. Maxsus ва инклузив таълим (Халқаро ва миллий тажриба). Ўқув методик қўлланма. Фан ва таълим нашриёти. 2011 йил.
2. Musaeva N.S. The Specificity of the Communication Process of Children with Disabilities. International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Vol. 20 No. 2 May 2020. pp. 04-06
3. Қаҳарова Д.С. Инклузив таълим технологияси. Ўқув ва методик қўлланма. Фан ва таълим нашриёти. 2014 йил.